

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Тожалиев</b> Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил .....	66
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>Н.Каримов</b> Исҳоқхон Иброт: янги маълумотлар.....	69
<b>Ҳ. Худоймуродова</b> “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти”да биографик метод.....	74
<b>О.Абобакирова</b> Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари .....	77
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>М.Ҳакимов, М.Ғозиева</b> Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
<b>Р.Шукуров, Г.Жўрабоева</b> Исҳоқхон Ибротнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили .....	87
<b>О.Бегимов</b> Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир .....	92
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Л.Ахмедова</b> Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш .....	96
<b>Ж.Жалолов</b> Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А. Ўринов, Г.Собиржонова</b> Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
<b>Д.Орипов</b> Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида .....	108
<b>Н.Тўхтасинова</b> Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари .....	111
<b>Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова</b> Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари .....	113
<b>М.Усманов</b> Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
<b>М. Раджабова</b> Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар) .....	118
<b>Б.Бахриддинова</b> Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
<b>З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева</b> Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили .....	124
<b>И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов</b> Термин ва талқин муаммосига доир .....	127
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
<b>Г.Икромова</b> Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари .....	132
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси .....	135
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	137

УДК:82/89+004.13+8-32

## ЎЗБЕК БОЛАЛАР ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.Абобакирова

**Аннотация**

Мақолада Анвар Обиджоннинг болаларга аталган ҳикояларидаги услубий хусусиятлар таҳлил этилган.

**Аннотация**

В статье анализируются стилистические особенности детских рассказов Анвара Обиджона.

**Annotation**

In this article the methodological peculiarities of histories for Anvar Obidjon which devoted to children are analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** услуб, ҳикоя, бадиий маҳорат, ёзувчининг дунёқараши, болалар адабиёти, юмор, тасвир услуби.

**Ключевые слова и выражения:** метод, рассказ, художественное мастерство, мировоззрение писателя, детская литература, юмор, метод описания.

**Key words and expressions:** method, history, style, writers worldview, children's literature, humor, descriptive method.

Ўзбек болалар ҳикоячилиги тараққиётида Анвар Обиджон ижодининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, у енгил юморга йўғрилган бетакрор тасвир услуби билан ўзбек болалар ҳикоячилигини янги босқичга олиб чиқди. Маълумки, услуб "поэтиканинг муҳим категорияларидан бири; бадиий асарнинг у ёки бу тарздаги шаклий қурилишини белгиловчи умумий принципи. У антропологик, яъни ижодкор шахси билан боғлиқ категория саналиб, унинг ижодий индивидуаллигини белгилайди" [1,339]. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида "Ёзувчининг бирор асар ёки адабиёт жанрининг тил воситаларидан фойдаланишидаги ўзига хос йўли, усули" [2,281], дея таърифланади. Шунингдек, услуб:" 1. Ёзувчи ижоди учун характерли бўлган ифодали йўли, ғоялар бирлиги, дунёқарашнинг умумийлиги. 2.Ифодалаш усули. Замонавий адабиётшуносликда услуб термини икки маънони маълум бир ижодкорнинг ва ижодкорлар гуруҳининг ифодалаш усулини англатади" [3,296]. Ёзувчи услуби эса, "Ижодкорнинг ўзига хос тили, характер яратиш ва бадиий қуввати. Ҳар бир чинакам ижодкор ўз услубига эга бўлади. Услуб ижодкорнинг ўзлигини, мустақиллигини белгилайди.Услубнинг шаклланиш жараёни жуда мураккабдир. Адабиёт тарихини билмасдан туриб, ёзувчи услубини аниқлаш жуда қийин" [2,11]. Анвар Обиджон ҳикоялари ҳам лўнда ифодаси, енгил юморга бой тасвир усули, ҳаётий талқинлари билан таъсирчанликни юзага келтиради. Улар қайси ёшдаги болаларга мўлжалланган бўлмасин, барчасини катталар ҳам мириқиб ўқийдилар. Профессор А.Расулов тўғри таъкидлаганидай,

"Анвар Обиджон борлиққа – мавжудоту маҳлуқотга, ой, қуёш, юлдузларга, узлуксиз ғимир-ғимир ҳаракатга боланинг маъсум кўзи билан боқади. Пишиқ-пухта, умри узоқ асар яратади. Болалар адабиёти пирлари қаторидан ўз диди, тили, услуби билан жой олди"[4,11]. Дарҳақиқат, Анвар Обиджон ҳашорату парранда, ҳайвоноту набототни узоқ кузатиб ўргангани ҳолда тасвирга олиб кирган. Анвар Обиджон болаларга аталган асарларини тўпори соддаликдан, фақат "мушукча – кучукча" тасвир билан чекланишдан ҳоли қилиб, юморга асосланган чуқур мазмун сингган реалистик тасвирга олиб чиқдики, бу ҳам ёзувчи услубининг ўзига хослигини белгиловчи жиҳатлардандир.

Унинг 1978-1983 йиллар оралиғида ёзилган "Атрофимиздаги қизиқчилар" ҳикоялари туркумида йигирмадан ортиқ ҳайвон ва ҳашаротларни ўз тилида сўзлатиш орқали улар табиатига хос жиҳатларни ёритиб беради. Бу эса, ўз навбатида, болаларда табиатга, жонзотларга муҳаббат туйғуларини ўстиришга хизмат қилади. Ёзувчи тасвирда доимо холис туради. Унинг талқинида зарарли ҳашаротлар ҳам, йиртқич ҳайвонлар ҳам йўқ. Уларнинг барчаси яшаш учун курашадилар, холос. Шунингдек, уларнинг табиатда ўз ўрни ҳам бор. Масалан, "Кучукнинг ҳикояси" шундай тасвир билан бошланган: "Ўртоғинг ярамасроқ бўлса, орани очиб қилиб қўйиш, осон. Пайт пойлаб туриб, унга итқитилган суякни олиб қочсанг, бас, сен билан бир умрга саломаликни йиғиштириб қўя қолади. Лекин ўз туғишган опанг бўлмағур чиқса, вов-вов, бундан қутулишнинг иложи йўқ экан.

Дарди бедаво-да шу опам. Менга ҳеч кун

О.Абобакирова –ФарДУ мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси.

бермайди. Сал-пал эсимда бор, жишлик пайтимизда ҳам аямни аввал у эмарди. Аслида ёнма-ён эмсам дуруст иш бўларди-ю, аммо бунга кўнмасди у ярамас. Кўпинча очлигимча ухлаб қолардим”<sup>5</sup>.

Шу туркумдаги “Қарғанинг ҳикояси” да болалар ўзини ақлли кўрсатишга уринишнинг, ўзгалар ишига аралашаверишнинг, чақимчиликнинг зарарини қарға тилидан баён этилган ҳикоядан билиб оладилар. Ёки, “Чўчқанинг ҳикояси”даги чўчқанининг яшаш тарзига хос жиҳатлар билан қуйидагича танишамиз: “Хур... хур... хур-р-сандчилик яхши нарса-да. Кеча балчиққа юмалаб, роса ўйнабман, денг. Кейин мазза қилиб, ахлат титкиладим. Дадам аҳволимни кўриб, “сендан ҳақиқий чўчқа чиқади”, деб елкамга бир уриб қўйди. Сизнинг фикрингиз қанақалигини билмадим-у, мен доим: “Агар дунёда балчиқ деган нарса бўлмаса, яшашнинг биттаям қизиғи қолмаса керак”, деб юраман. Афсуски, баъзилар бунга тушунмайди. Масалан, қўшнимиз қора совлиқ эсли-хушли ҳайвон бўла туриб, балчиқни ҳурмат қилмайди-я”(5,116)

“Тулкичанинг ҳикояси”да эса воқеалар тулкичанинг товукхонада “ая”си билан одамлар томонидан қафасга тушиб қолганлигини баён этиши билан бошланади: “Биз, тулкилар ҳақида гап кетгудай бўлса, одамлар исмимизнинг олдига албатта “айёр” сўзини қўшиб айтишади. Бу инсофдан эмас, менимча. Айёрлик билан уddaбуронликнинг фарқига бориш керак.Тадбиркор бўлмасанг, яшаш қийин” [5,118]. Сўнг тулкичаларнинг қафасга қўйилган овқатларини атайин емасдан, ўзларини ўлганга солиб, озодликка эришишлари ҳикоя қилинади.

А.Обиджон ҳикоялари болаларнинг жонзотлар ҳақидаги билимларини бойитишга ҳам хизмат қилади. Масалан, “Ҳакканинг ҳикояси”да ҳакканинг совун ютишининг сабабини ” ... ҳаво тобора исиб кетяпти. Озгина совун есам, патларим тўкилиб, сал энгилроқ бўп қолардим”, дея изоҳлайди. Ҳакка ўзи кўрган нарсани олиб қочиш одатини қуйидагича асослайди: “Одамлар мени “ўғри” дейишади. Шуюм гап бўлдим! Нима, бошқа кушлардан бойиб кетган жойим борми? Кўпчилик қатори тирикчилик қилиб юрибман-да. Ўзимга керагидан ортиқча нарсани ўмарган бўлсам, тешиб чиқсин. Фараз қилайлик, ёғлиққина сузма-қатиқ, қурут қилиб, офтобга териб қўйишган. Теварагимда ҳеч ким йўқ. Масалан, сиз ўша қурутлардан бир-иккитасини татиб кўрмасмидингиз? Фақат,

олифтагарчилик қилмай, тўғриси гапиринг. Ёки, томга ёйиб қўйилган ёнғоққа дуч келиб қолдингиз, дейлик. Нега энди, ундан уч-тўртта чақиб кўрмаслик керак экан? Биламан, шахсан сиз қоринни ҳам тўйдирасиз, чўнтакка ҳам урасиз. Мен бечорада ҳатто биттагина чўнтак ҳам йўқ”[5,124]. Ана шу тариқа болалардаги ўзгалар нарсасини ўздан сўрамай олиб қўйишдек ёмон одатни энгил юмор билан ҳакка тилидан қоралайди. Ёки, “Чиябўри ҳикояси” да ёзувчи бадиий тўқима воситасида Чиябўри кичик ёшдаги мактаб ўқувчисига айланади. Ўқувчи Чиябўри тилидан унинг мактабга боришга оёғи тортмай қолганлиги, ўқитувчининг саволлари борган сари қийинлашиб, айниқса, унга олдинги қаторда ўтириши ҳар кунги элақдан ўтиш бўлаётганини баён этади. Ўқитувчи Чиябўрининг ана шундай қийин саволларидан бири: “Қуён ботқоққа чўкаётган бўлса, биз нима қилишимиз керак?” деган сўрови бўлади. Ўқувчи бу саволга “жўяли” жавоб беравермагач, ўқитувчи бундай дейди: “Лекин биз Чиябўримиз. Биздан бошқача...Ўзимизга яраша нафсимиз бор... [5,126]. Ниҳоят, ўқитувчи Чиябўри оғзини катта очиб, тумшугини ўқувчи Чиябўри кекиртагига яқинлаштириб, “Қутқариб бўлгач, биз уни мана бундай қилиб...” дегандагина, ундан “Еб қўямиз!” деган жавоб олади. Жавобдан энгил тортган ўқитувчининг чеҳраси очилади, ўқувчининг елкасига уриб қўяркан, “Бор экансан-ку, Чиябўри деганнинг гапи мана бунақа бўпти-да!” дея, унга “тўрт” баҳо қўяди. Ҳикоя шундай якунланади:...Нима дединг? Учта товукқа иккита ўрдакни қўшсак, жами нечта бўлади, дейсанми? Бу масалани осонгина ҳал қилиш мумкин, оғайнижон. Бошни ортиқча қотириб ўтирмаслик учун уларни шартта еб қўямиз, қоринда ўзлари қўшилиб кетаверади”, [5, 126], дейди.

Ушбу ўринда фикрлашга эринчоқ болаларнинг кулгили ҳолатини ёзувчи ўзига хос тарзда, ўқувчи Чиябўри образи воситасида ифодалайди.

Ҳикоя қаҳрамонларининг ҳар бири воқеликни ўз тили орқали баён этади. Бу эса ифода йўсинининг жонли бўлишини таъминлаган. Масалан, “Ишком остида тимирсиланиб юриб, даройи узумнинг уруғини топиб олдим. Қуриб кетгур зил-замбил экан, итариб ҳам, тортиб ҳам жойидан силжитиб бўлмади” (“Чумоли ҳикояси”); “Одамлар “мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди”, деган мақол тўқишганмиш. Бу, бекорчи гап бўлса керак, деб ўйлайман. Масалан, шахсан мен

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳар куни томга чиқволиб, офтобда исинаман, лекин бунинг эвазига ҳеч кимдан ҳеч қанақа ҳақ талаб қилган эмасман” (“Мушукча ҳикояси”); “От-дадам, Эшак-аям. Йўқ-йўқ, адашиб кетдим. Эшак-дадам, От-аям... Шунинг учун мен Хачирман. “Агар дадам ҳам от бўлганда, мен тойчоқ бўлиб туғилардим... Ё аксинча, аям ҳам эшак бўлганда эди, ҳозир қаршингизда мен эмас, кетворган бир хўтик турарди” (“Хачир ҳикояси”) ; “Одамлар эчкининг эмиб турганимни кўриб қолишиб, мени шунақаям тарақайлатиб қувишдики, бошим омон қолганига ҳали-ҳали шукур қиламан. Тимсоҳ деган дабдабали номим ана ўшандан кейин расво бўлади. Одамлар менга эчкиэмар, деган лақаб тиркашди” (Эчкиэмар ҳикояси”).

Анвар Обиджоннинг “Пашшавойнинг бошидан кечирганлари” ҳикояси қаҳрамони – Пашшавой. Воқеалар ана шу Пашшавой тилидан баён этилади. Муаллиф ушбу асарга “митти роман-фожиа” деган эслатмани киритган, уни кичик қисм ва бобларга ажратиб, роман шаклига келтирган бўлса-да, ушбу асар ҳикоя жанрига мансубдир. Ёзувчи бу билан баъзи романларнинг шаклий жиҳатларини ҳам ўзига хос юмор билан ифодалаётгандек бўлади. Асарнинг биринчи қисми “Хонадоннинг емирилиши” деб номланиб, тўртта бобдан иборат. Ёзувчи Пашшавойни одам сингари сўзлатиш, уларнинг инсонлар таржимаи ҳолига ўхшаш баён тарзини асарга киритиш орқали жонли, ҳаётий ифодани яратишга эришади. Ҳикояда Пашшавой оиласи билан “Шарқ” ошхонаси шифти кандикидаги ҳаёти қизиқарли воқеаларга бой. Ошхонага кирган одамлар кўп ичишар, пашшалар орасидан чиққан пиёнисталар ичишни ана шу одамлардан ўрганган эканлар. Ёзувчи арақхўрликнинг зарарини болаларнинг ёш хусусиятларига мос ҳолда юмор билан тасвирларкан, “Арақхўр пашшалардан биттаси менинг дадам. У ҳар куни кайфи тарақ келиб, аям бечорани дўппослагани-дўппослаган. Уйда тинч кун йўқ. Акамнинг жаҳли чиқиб, бир-икки марта дадам билан айтишиб ҳам қолди... Арақ деганлари жуда касофатли нарса экан. Соғ-саломат улғайиб олсам, бу лаънатини яқинига йўлатмаганим бўлсин-ей!” [5,104]. Лекин кўп ўтмай, Пашшавойнинг дадаси қадаҳга қуйилган араққа чўкиб кетиб, оламдан ўтди. Ушбу фожианинг сабабини Пашшавойнинг аяси шундай куйниб изоҳлайди: “Раҳматли ўзиям кейинги пайтда ҳаддидан ошиб кетувди. Авваллари арақ юқи идишларни ялаб юрарди.

Бора-бора қадаҳларга одамлардан олдинроқ тумшуқ суқадиган бўлди” [5,109].

Кўп ўтмай, нонвойхонадаги тандир ёнида яшайдиган қари Пашшадан Пашшавойнинг аясига совчи келади. Сабаби, қари Пашшанинг кампирини бир яллачи Қурбақа “кап отиб” қўйган экан. Пашшавойнинг аяси эса совчиларга: “Ўша уятсиз чолни бошимга ураманми!? Унга тул қолган биронта Итпашшани топинглар” [5,106], дея кескин жавоб беради. Сўнг Пашшавойнинг акаси сурбет одамлардан ошхонани ҳоли қилиш учун бўлган жангда доридан заҳарланиб ўлади. Кўп ўтмай, Пашшавойнинг аяси ҳам итялақдан қолдиқлар билан овқатланаётган пайтда устига тўкилган ювиндига чўкиб, ҳалок бўлади.

Асарнинг иккинчи қисми “Дарбадарликда” деб номланган бўлиб, тўрт бобдан иборат. Етим қолган Пашшавойни поччаси билан опаси ўз хонадонларига – бир бадавлат одамнинг данғиллама уйидан қимматбаҳо жавон олиб кетишади. Шу куни Пашшавой поччасининг қари бувиси мураббога ботиб, сўнг опаси алланима суртилган қоғозга ёпишиб ўлади. Ёзувчи инсонни тубанликка етакловчи иродасизлик, қўрқоқликни почча иқрори орқали ўзига хос тарзда ифодалайди:

–“Мен ҳақимда ёмон ўйламагин, –кўзимга қарамай аста гапирди у. –Опанга ёрдам беришим мумкин эди. Лекин унда сеvimли поччангдан ҳам айрилиб қолган бўлардинг” [5, 109]. Аммо почча ҳам кўп ўтмай хонада ивирсиб юрган кампирнинг қўлидаги чарм шилпилдоқ билан китобга паққос “чаплаб қўйилади”. Ушбу воқеадан кейинги Пашшавой кечинмаларини шундай ифодалайди: “Шунда ўйлаб қолдим: поччам-ку барибир ўлар экан, ўшанда опамга ёрдам бериб, у билан бирга елимга қоришиб кетаверса бўлмасмиди? Тўғри, бир неча кун олдинроқ ўларди, лекин ўзидан яхши ном қолдирарди. Унинг бу ишини бошқа пашшалар узоқ вақтгача бир-бирларига гаплашиб юришмасмиди?” [5,110].

Асар “Хотима” сида ёзувчи ушбу “роман-фожиа”ни бир бахтсиз Пашшанинг чўнтагидан топилган ёндафтаридеги эсдаликлари асосида ёзганини қайд этаркан, унинг кейинги тақдири қуйидаги маълумотни беради: “Мусибат ҳақида гапириш қанчалик оғир бўлмасин, ахборотингиз учун яна бир нарсани айтиб қўйиш шарт: ўша дарбадар Пашша 1978 йилнинг саккизинчи августида мен танавул қилиб турган қайноқ шўрвага тушиб, фожиали ҳалок бўлди” [5,112]. Ёзувчи пашшаларни ана

шу тарзда одамлар сингари фикрлатади, ўзаро улардек мулоқотга киритади. Бу эса кулги уйғотади. Пашша эса болаларни ўзларининг ифлос нарсаларга қўниб, ахлат жойларда овқатланишларига иқрор бўлгани ҳолда бу ҳақдаги улар билимларни юзага келтиради.

Анвар Обиджон “Футбол тўпининг саргузашлари” (1984) ҳикоясида футбол тўпи бошидан кечирган воқеаларни унинг хотиралари орқали тасвирлайди. Акмал қора деган бола ўзига овқатланиш учун берилган пулдан ҳар куни беш тийиндан орттириб, тангаларини катакка қўмиб юради. Ниҳоят, футбол тўпи сотиб олиш учун етарли тангалар йиғилгач, уларни олмоқчи бўлиб катакка киргач, уларнинг устига чипор товуқ тухум тўплаб ўтириб олганлигини кўради. Ёзувчи ушбу воқеа воситасида футболнинг тараққиётига шўро даврида ғов бўлаётган шахслар, улар билан боғлиқ иллатлар ҳақида ҳам фикр юритади: “Бунақанги молпараст товуқ ўз вақтида тарбияланмаса, оқибати чатоқ тугайди. Бугун танганинг устида жўжа очгиси келибдими, янаги сафар тухумни тўппа-тўғри хонадон мулки сақланадиган сандиқнинг қопқоғига қўяди. Кейинги гал қарабсизки, давлат банкидаги пўлат жавонга жой қилиб бермасанг, тухум босмайман, деб туриб олади. Фақат ўз ҳузурини ўйлайдиган товуклар ёки товукфеъллар кўп бўлган ерда эса ҳеч қачон футбол тараққий этмайди. Футболчилар ҳам ўша худбинлардан ўрناق олади, бирон командага ўтиб ўйнашдан олдин ўзига қандай наф тегишини сўраб-

суриштиришга тушади, фидоийлик йўқолади”[5,89]. Ёзувчи ушбу фикрлар орқали болаларни жамиятдаги қусур ва камчиликлар ҳақида ҳам фикр юритишга чорлайди.

Хуллас, Анвар Обиджоннинг болаларга бағишланган ҳикояларига хос услубий жиҳатлар қуйидагиларда кўринади:

1. Ёзувчи табиатдаги ҳайвонлар, парранда-ю ҳашаротларни сўзлатиш орқали улар ҳақидаги маълумотларни асарлари матнига синдириб юборади. Асар тилининг юморга бой, жонли, ҳаётий бўлишини таъминлайди.

2. Асарнинг матн ости маъноларидан, синонимик ва метафорик иборалардан самарали фойдаланиб, юморга мойил талқинларни юзага келтириш Анвар Обиджонни услубига хос жиҳатлардандир.

3. Тасвирланаётган воқеликка ва қаҳрамонларга муаллифнинг холис муносабати, ҳатто зарарли ҳашаротлар бўлса ҳам қораламаслик муаллиф услубига хос бўлиб, бу, болаларнинг атрофга синчковлик ва муҳаббат билан боқишларига хизмат қилади. Асарларининг болаларбоп, қизиқарли бўлишини таъминлайди.

4. Ёзувчи одамлардек фикрловчи жонзотлар, нарсалар образини яратиш орқали уларни болаларга яна ҳам яқинлаштиради. Муаллиф маҳорати билан гўё одамлар билан бошқа жониворлару ҳашаротлар ўртасидаги айирма йўқолиб кетгандек бўлади. Ёзувчининг фикрича, табиатдаги ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни бор. Улар яшаш учун курашиб, ҳаёт кечирадилар.

#### Адабиётлар:

1. Қурбонов Д., Мамажонов З., Шерматов М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Akademnashr, 2010.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Иккинчи том. –М.: Рус тили, 1981.
3. Хотамов Н., Саримсақов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1970.
4. Расулов А. Ўзлик сари йўл. –Т.: Adib, 2012.
5. Анвар Обиджон. Олтин юракли автобола. –Т.: Ёш гвардия, 1998.

(Тақризчи: Х.Жўраев– филология фанлари доктори.)